O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-спёсий газетаси

№ 19 (9.057) ✱ 1998 йил 18 февраль, чоршанба ✱ Сотувда эркин нархда

ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР

Ҳамкорлик

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Дания» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Ўзбекистон — Дания» ташаббускор гуруҳи аъзолари, ўзбекистонлик ҳамкорлар, Дўстлик жамиятлари кенгашларининг аъзолари, шунингдек, турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Дания давлати ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг аҳолиси беш миллион 199 минг кишидан ортиқ бўлиб, умумий ер майдони 43 минг квадрат метрга тенг.

Қишлоқ хўжалиги барқ уриб бораётган бу диёрда товар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқорилаб бормоқда. Енгил саноат, машинасозлик молларининг 40 фоиздан кўпроғи четга экспорт қилинмоқда. Шу сабабдан ҳам у дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатган. Юртимизда «Ўзбекистон — Дания» дўстлик жамиятининг тузилиши бунга яна бир мисолдир.

— Ўзбекистон дунёнинг бир нечта давлатлари билан дўстлик жамиятлари тузиб, айни чоғда улар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди «Ўзбекистон — Дания» дўстлик жамиятининг раиси Ҳотам Абдураимов. — Дарҳақиқат, Дания давлати билан нафақат спорт, таълим, маданият, туризм соҳаларида, балки икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини доимо боғлаб туришда ҳамда уларни бир-бирига янада яқинлаштиришда мазкур жамият муҳим ўрин тутади деб ўйлаймиз.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Саноат

ТОШКЕНТДА МОТОЦИКЛЛАР ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ўтган йилнинг ноябрь ойларида иш бошлаган «Ижлидмаш» Россия—Ўзбекистон қўшма корхонаси шу кунгача фермер ва тадбиркорларга мўлжалланган мингта яқин 10 турдаги мотоцикллар ишлаб чиқарди.

Бу мотоцикллларнинг диққатга сазовор жойи шундаки, улар ер ҳайдайди, унга ишлов беради, шунингдек, дарахт ва экинзорлар кесишда ҳамда уларга турли ўғитлар сепишга мослашгандир.

Айниқса, «Рикша» маркали мотоцикл ҳамшаҳарларимизга манзур бўлиши турган гап. У 5 та йўловчига мўлжалланган бўлиб, ўзига хос ташқи кўринишга ҳам эга.

Ҳар 100 километрга 4—4,5 литр бензин сарфлайдиган ушбу мотоцикллларнинг қуввати 28 от кучига тенгдир. Шунингдек, улар 400 килограммгача юк кўтара олади.

Мотоцикллларнинг асосий эҳтиёт қисмлари Россиядан келтирилиб, «Ўзбекқишлоқмаш» корхонасида йиғилмоқда. Кейинчалик қўшма корхона республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам шохобчаларини очишни режалаштирмоқда.

Одил ХАЛИЛОВ.

Миллий дастур

АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда фарзандларимизни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда мактабларнинг иши айниқса аҳамиятлидир. Юнусобод туманида бўлиб ўтган кенгашда синфдан ташқари тўгарак ишлари масалалари муҳокама этилди.

— Туманимизда маърифий ишларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Лекин муаллимларнинг ҳаммаси ҳам болаларимизнинг мактабларда маданий-маърифий тарбияси муҳимлигини ҳар доим тушуниб етавермайдилар, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Мақсуда Одилова. — Шу жиҳатдан олганда 21-мактаб бошланғич синф болаларининг ишлари ҳаммамизга манзур бўлди. Мактаб муаллимлари тўгарак ишларини ўзлари олиб борадилар. Ушбу мактаб болалари ва уларнинг мураббийлари «Гулдаста» деб аталувчи болалар драматик театр-тўгарагини ташкил этганлар. Эндиликда улар ўз маҳоратларини нафақат мактабда, балки маҳаллаларда, болалар боғчаларида намойиш этишмоқда. Бундай ишлар «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этишда ҳам аҳамият касб этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Кўргазмалар

МАҚСАД — САВДО МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

Яқинда пойтахтимиздаги «Савдо ускуналари» ҳиссадорлик жамиятида савдо шохобчаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, Тошкент ва вилоятлар шаҳарларида «Наврўз» тантаналари ҳамда ёзги мавсумда хизмат кўрсатадиган янги павильонларни ташкил этишга бағишланган республика кўргазмали анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманни кириш сўзи билан очган «Ўзбексавдо» акционерлик компаниясининг раиси Зафар Файзиев айни кунлардаги олиб борилаётган ишлар хусусида, 1998 йилда компаниянинг аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш бо-



расида ҳамда республикамиз вилоятлари ва пойтахтимиздаги савдо дўконларини замонавий, янги технология асосида яратилаётган ускуналар билан жиҳозлаш тўғрисидаги саъй-ҳаракатлар, саноқли кунлар қолган Наврўз байрамига, ёзги мавсумга тайёргарлик ҳақида батафсил маълумот берди. Хорижий ускуналардан қолишмайдиган, лекин улардан бирмунча арзонга тушадиган маҳсулотларнинг илк нусхаларини яратган «Савдо ускуналари» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Леонид Абрамов корхонанинг ана шундай жиҳозлар тайёрлаш йўлидаги муваффақиятлари хусусида тўхталиб, ушбу корхонада бугунги кунда технология, ишчи кучи ва барча имкониятлар етарли эканлигини айтиб ўтди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов республикамиз аҳолисини узлуксиз равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларга савдо хизмати кўрсатишни юксак даражага кўтаришда барча савдо ходимларининг алоҳида намуна кўрсатишлари бугуннинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари ҳиссадорлик жамиятининг намуналар залига қўйилган турли хилдаги савдо ускуналари ва жиҳозларини кўрдилар ҳамда Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани томонидан тайёрланган ва Наврўз байрамида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига Мустақиллик майдонида хизмат кўрсатадиган савдо павильонларининг чизмалари билан танишдилар. Шунингдек, туманларнинг савдо департаментлари томонидан тайёрланган ёзги савдо нуқталарининг чизмалари, Мустақиллик байрамига тайёргарлик лойиҳалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Биз фурсатдан фойдаланиб кўргазмали анжуман ташкилотчи ва иштирокчиларини суҳбатга тортдик.

● **Зафар ФАЙЗИЕВ, «Ўзбексавдо» акционерлик компаниясининг раиси:** Бу анжумандан кўзланган асосий мақсад республикамиз, шу жумладан пойтахтимиз аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий жиҳозларга буюртмалар қабул қилиш ҳамда Наврўз шодиёнасида халқимизга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг байрам дастурхонига тўкинлик бағишлашдир.

Пойтахтимизнинг барча туманлари савдо ходимлари байрамга тайёр. Байрам кунлари республикамиз бўйича 90 та жойдаги хиёбонларда, майдонларда, шоҳ ва марказий кўчаларда 300 та янги павильонлар ўрнатилса, шу жумладан пойтахтимизда 15 та жойда 50 та павильонлар ўрнатилиб, булардан 21 тасида озиқ-овқат, 10 тасида саноат моллари ва 19 тасида умумий овқатланиш маҳсулотлари савдоси уюштирилади. Ундан ташқари байрам куни барча чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жойлардаги ҳокимиятлар билан келишган ҳолда байрам савдоси ташкил этадилар.

● **Леонид АБРАМОВ, «Савдо ускуналари» ҳиссадорлик жамияти раиси:** Жорий йилни корхонамиз ўзига хос руҳда бошлади. Хориждан хом ашё келтириб, ўтган бир ой ичида кўргазмага қўйилган, чет элникидан қолишмайдиган, бироқ ундан бирмунча арзонроқ маҳсулотлар — дўконлар учун замонавий жиҳозлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Ўтган йили 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил ундан ўн баробар кўп — 400 миллион сўмлик савдо ускуналари тайёрлашни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу борада бизга «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси яқиндан ёрдам бермоқда. Корхонамизда шу ҳажмдаги маҳсулотни тайёрлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Америка, Туркия, Италия, Германия давлатлари билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда.

● **Рауф ҲАКИМОВ, Тошкент шаҳар савдо, маиший хизмат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти савдони ташкил этиш бўлими бошлиғи:** Шаҳримиздаги мавжуд ҳар бир савдо шохобчасини кўргазмага қўйилган бежирим ускуналар билан жиҳозлаш ниятидамиз. Яқин келгусида эса халқимизни зарур эҳтиёж моллари — ёғ, совун ва маргарин билан узлуксиз таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги 128 та дўконда ёғ-мой, тамаки саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўлимини ташкил этяпмиз.

Шарифа ИЛЁСОВА.
СУРАТЛАРДА: кўргазмали анжумандан лавҳалар.
Рустам Шарипов олган суратлар.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

● Аввал хабар бериб ўтганимиздек, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Украинага расмий ташрифи бошланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, икки томонлама давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Украина Президенти Леонид Кучма «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Президент Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар ва барқарорлик» деб номланган, «XX аср лидерлари» туркумида Анқарада турк тилида босмадан чиққан китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида маҳаллий ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари учун бўлиб ўтган брифингда қайд этилдики, сўнгги вақтларда Ўзбекистонда вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган айрим экстремистик йўналишдаги диний ташкилотлар ва марказларнинг Покистон ҳудудида олиб бораётган фаолияти билан боғлиқ баъзи салбий ҳаракатлар маълум бўлмоқда. Бундай ташкилотлар ва марказлар ёрдамида ўзбекистонлик, аксарияти Фарғона водийси ёшлари Пешовар туманида жойлашган диний ўқув юртларида ўқитилмоқда. Ўқув жараёнида мазкур ёш йигитларга экстремистик кайфият, жиҳод ва ваҳобийлик ғоялари тарғиб этилмоқда ва иноитирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дўст Покистон ҳукуматига мамлакатда амал қилаётган қонунлар доирасида мазкур салбий кўринишларнинг олдини олиш учун амалий чора-тадбирлар кўришни сўраб мурожаат қилди.

● Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш давлат ишлаб чиқариш бирлашмасини қайта жиҳозлаш бошлаб юборилди. Бунинг учун жами 200 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади. Шундан сўнг корхона жаҳон андозалари даражасидаги ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган катта иншоотга айланади.

● Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, меҳнат жамоаларида буюк ватандошимиз — улуғ олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган машғулотлар бошланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар. Воқеалар. Хабарлар

ЖАҲОНДА

● Япония Бош вазири Рютаро Хасимато парламентда сўзга чиқиб Россия билан алоқаларни тубдан яхшилашга ва Президент Ельцин билан ишончли муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини айтди.

● Душанба куни Ҳиндистонда парламентга навбатдан ташқари сайловлар бошланди. Сайлов натижалари 9 мартда маълум бўлади.

● Кеча Хитой Халқ Республикаси Бош вазири Ли Пэннинг Россияга расмий ташрифи бошланди.

● Кеча Россия Президенти Борис Ельцин Федерал йиғилишда йиллик мактуб билан сўзга чиқди. Ўз мактубида давлат бошлиғи бюджетга ўзгартишлар киритиш зарурлиги муаммоларига алоҳида эътибор қаратди, маъмурий ислоҳотларга даъват этди, Болтиқбўйи давлатларининг НАТОга қўшилмаслиги хусусида фикр билдирди.

● БМТ Бош котиби Кофе Аннан БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашгандан сўнг шу ҳафтада Ироққа ташриф буюришини айтди. Ушбу ташрифнинг жума куни бўлиши кутилмоқда.

● Бугун Литва сеймининг раиси В. Ландсбергис расмий ташриф билан Москвага келади.

● Грузия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари давлат бошлиғи Эдуард Шеварднадзега нисбатан қилинган суиқасд сабабларини очганлигини хабар қилди. Беш киши ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, ушбу суиқасд Грузиянинг собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари томонидан уюштирилган экан. Бу хусусда қатор далиллар бор.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов келгуси йили мамлакат Конституциясига парламентнинг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритиш кўзда тутилаётганлигини айтди. Эртага Туркманистонда Туркманбошининг таваллуд кунига бағишланган Давлат байроғи куни нишонланади.

● Бугун Минскда V халқаро китоблар ярмаркаси очилади. Унда Ҳамдўстлик ва Европадаги мамлакатларнинг 300 фирма ва компаниялари иштирок этади.

● Кеча Ашгабатда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти шафелигида минтақавий хавфсизлик бўйича халқаро конференция ўз ишини бошлади. Конференцияда ана шу халқаро ташкилот Бош котиби Ж. Арагона иштирок этмоқда.

● Европа Иттифоқи яна Эрон ҳукуматини бундан роппа-роса 9 йил муқаддам британиялик ёзувчи Салмон Рушдига нисбатан чиқарилган ўлим жазосини бекор қилишга чақирди.

● Камерун пойтахтида иккита юк поездларининг бир-бири билан тўқнашиб кетиши оқибатида 120 киши ҳаётдан кўз юмди ва 150 дан зиёд одам жароҳатланди.

Нагано — 98

ИККИ ОЧКО ЕТМАДИ

Фристайл бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашган ҳамюртимиз Лина Черязова 12 давлатнинг 24 спортчиси орасида 454 очко тўплаган ҳолда 13-ўринни эгаллади. Шуни афсус билан таъкидлаш лозимки, ҳамюртимизга кейинги финал баҳсларда иштирок этиш учун борйўғи икки очко етмади.

РОССИЯЛИКЛАР ҒОЛИБ

Чанғи спорти бўйича 4 бор 5 километрлик пойга ўтказилган мусобақада Нина Гаврилина, Елена Валберовадан ташкил топган Россия терма командаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин норвегияликларга, учинчи ўрин эса италиялик спортчиларга насиб этди.

КАТЕР ЗАЙЦЕНГЕР — ЧЕМПИОН

Тоғ чанғи спорти бўйича бўлиб ўтган мусобақада эса германиялик машҳур спортчи Катер Зайценгер юқори натижа кўрсатиб, олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди. Мусобақанинг кумуш ҳамда бронза медалларини эса Швеция ва Франция спортчилари қўлга киритди.

ОЛИМПИАДАДА БИРИНЧИ МАРТА

Олимпиадада биринчи бор ўтказилаётган спортнинг кёллинг тури бўйича беллашувлар ниҳоясига етди.

Аёллар ўртасида финал учрашувда Канада терма жамоаси даниялликларни 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олимпиада ўйинлари чемпиони бўлдилар.

Эркаклар ўртасида финал баҳсда эса Швейцария ва Канада терма командалари беллашуви 9:3 ҳисобида швейцарияликлар фойдасига ҳал бўлди.

Дония ЗОКИРОВА.

Теннис

СЕУЛГА БОРИШАДИ

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис саройи уч кун мобайнида ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳида қолиш учун Хитой теннисчилари билан Дэвис кубоги учун қизиқарли беллашувлар бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, бу галги учрашувга Генрих Дашевскийнинг шогирдлари пухта тайёргарлик кўришди. Чунки юртдошларимиз Пекин ва Тошкентда бўлиб ўтган шундай баҳсларда мағлубият аламини тотишган эди. Теннис усталаридан Вадим Куценко билан Олег Огородов якка баҳсларда рақибларини мағлубиятга учратишди. Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич жуфтлик баҳсларида бор маҳоратларини кўрсатишди. Такрорий якка баҳсларда ҳам юртдошларимиз рақиблари устидан бежиз ғалаба қозонмаганликларини кўрсатишди.

Шундай қилиб Ватанимиз теннисчилари шу йилнинг март ойи охирида Сеулда Жанубий Корея теннисчилари билан ўзаро куч синашадилар.

Ўз мухбиримиз.

Шахмат

УЧ ЙЎЛЛАНМА СОҲИБЛАРИ

Пойтахтимизда аёллар ўртасида шахмат бўйича шаҳар чемпионатига якун ясалди. Швейцарча тизимда ўтган мусобақаларда жами 31 нафар шахматчи дона сурди. Эътиборга молик томони, ушбу чемпионат баҳсларида бирорта спорт устаси ёки усталикка номзод иштирокчи қатнашмади. Шахматчиларнинг аксариятини I-III тоифали ёшлар ташкил этди.

Қолаверса, чемпионатда юқори ўринлар соҳибларидан уч нафарига республика биринчилигининг биринчи табақасида дона суриш ҳуқуқи берилиши ҳақидаги янгилик учрашувларнинг анчагина муросасиз ва кескин кечишини таъминлади. Бош соврин учун бир йўла икки қатнашчи — 1-тоифали 61 ёшли Лидия Захарова ҳамда 14 ёшли Ирина Барковскаялар даъвогарлик қилишди. Бу шахматчилар 9 имкониятдан бир хил 8 тадан очко жамғардилар. Ғолибни аниқлаш учун ўтказилган қўшимча партияда ўтган йилги шаҳар чемпиони Л. Захарованинг яна омад кулиб боқди.

Биринчи лига учрашувларида қатнашиш учун берилган учинчи йўлланма тажрибали мураббий Юрий Колчановнинг шогирди, 13 ёшли Илвира Куртсеванинг тегди. Илвира 9 имкониятдан 7 очко тўплади.

Чемпионат якунланган, ғолиблар Тошкент шаҳар спорт қўмитасининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ГЕРМАНИЯДАН ХУШХАБАР

Ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Александр Ненашев Германиянинг Рейгсдам шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирдан зафар билан қайтди. Ненашев 12 нафар гроссмейстер иштирок этган ушбу мусобақада 7 имкониятдан 6 очко тўплаб фахрли 1-ўринни ишғол қилди.

Эркин ХОЛБОБОЕВ.

МУҚАДДАС ВАТАН

1998 — Оила йили

1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинишидан мақсад — унга эътиборни кучайтириш, муаммоларини ҳал қилиш, фаровонлигини таъминлашдир.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ.

ДАРҲАҚИҚАТ, ўзбек халқига хос хусусиятлардан бири оилага берилганлик, унга ҳурмат-иззат билан қараш, оилавий анъаналарга риоя қилишдадир. Фарзандлар вояга етгач, тезроқ уларни оилали қилишга шошиладилар. Ўғил болалар уйлангач, тезликда фарзанд кўришни истайдилар. Агар фарзанд кўриш озгина кечикса ташвишга тушадилар.

Бошқа миллатларда, айниқса Ғарбий Европа, Шимолий Америка халқларида оилага ўзбекларга ўхшаш муносабатда бўлиш йўқ. Аксинча, улар 30 ёшга яқин оила қурадилар. Оилали бўлиб, фарзанд кўришни ҳам анча кечиктирадилар.

Ўзбек миллатида оилали бўлгач, асосий мақсад фаровон турмуш кечириш, пул топиш, фақат оилавий ҳаётни тўкис қилиш, оила, фарзандлар учун яшашга қаратилади. Шунинг учун ҳам оила аъзолари орасида бир-бирларига меҳрибонлик, қадр-қиммат хислатлари кучли бўлади.

Бугунги кунда халқимизнинг оилага мансуб тарихий анъаналарини тиклаш, уларни мустаҳкамлаш оилани соғломлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Оила муаммоларини ҳал қилиш мақсадида республика ва Тошкент шаҳар Оила дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурларда оилага тегишли иқтисодий, ижтимоий, тиббий, маънавий-маърифий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

1997 йилда Тошкент шаҳрида ўрта ҳисобда 523 мингтадан кўп оила бўлган. Уларнинг 22,2 фоизида икки киши, 22,5 фоизида уч, 23,9 фоизида тўрт, 13,4 фоизида 5, 7,3 фоизида 6, 3,9 фоизида 7, 2,1 фоизида 8, 1,3 фоизида 9 ва 3,4 фоиз оилаларда ўн ва ундан ортиқ киши бўлган.

Оиланинг жамиятда тутган ўрни ниҳоятда муҳимдир. Фарзандлар дастлабки тарбияни оилада оладилар, уларнинг ахлоқ-одоби, дунёқараши оилада шаклланади.

Оила ўз жамғармаси билан иқтисодий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшади. Масалан, кичик ҳунармандчилик устахоналари, оилавий фермер хўжаликлари, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган оилавий дўкончалар оила маблағи ҳисобига бунёд қилинади.

Оила ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Бир томондан оила ўз аъзоларини иш жойи билан таъминлайди, иккинчи томондан маҳсулот ишлаб чиқариб, у ёки бу хизмат кўрсатиш билан маълум миқдорда моддий неъмат яратади, даромад қилади.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда 3 миллион томорқа хўжалиги мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўп қисмини етиштирадилар. Томорқада етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинган даромад мамлакат бўйича оила даромадининг 31 фоизини ташкил қилади.

Бугун оилавий дорихоналар, кийим тикадиган, овқат тайёрлайдиган, гулчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган, қурилиш ишларини олиб борадиган, уй-жойларни таъмирлайдиган кичик корхоналар кўплаб ташкил қилинган. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзидагина бундай хўжаликлар 30 мингдан ошиб кетган.

Оиланинг иқтисодга таъсири йилдан-йилга ортиб бормоқда.

ОИЛАДА бола тарбиясига ҳам катта миқдорда маблағ сарфланади, чунки бола тарбияси кўпгина мақсадларга боғлиқ, ўзбек оилаларида илгаридан фарзандларни яхши тарбиялаб, уларга бир неча ҳунар ўргатилган.

Бола тарбиясидан кутилган натижа, аввало ота-онанинг ўзидан яхши ном қолдиришга интилишида кўринади. Чунки яхши тарбияланган ўғил, қизларни кўриб нуронийларимиз отангга, онангга раҳмат дейишган. Кейинги кўзланган мақсад, бу — фарзандлар ҳамма вақт ота-она учун иқтисодий мадад вазифасини ўтайдилар. Ўзбек оилаларида қариликда хўрланиш деярли йўқ ҳисоби. Ўзбек фарзандлар ўз ота-оналарини ҳеч қачон қаровсиз ташлаб қўймайдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда қариялар 8 фоизни ташкил қиладилар. Уларнинг 90 фоиздан кўпроғи ўз фарзандлари билан яшаб, қарилик гаштини сураяптилар. Бизларнинг қарияларимиз ичида нафақанинг етишмаслигидан шикоят қилувчилар ҳам йўқ даражада.

Ҳар қандай инсон балоғатга етиб, ўзининг ҳаёт йўлини белгилар экан оилали бўлиш, яхши мутаҳассисликни эгаллаш, бахтли ҳаёт кечиришга интилади. Шу мақсадларга эришиш учун инсон ўқийди, малака, тажриба орттиради, ўзини-ўзи тарбиялайди, бошқалардан билим, тажриба ўрганади.

Инсоннинг ёшликдан маънавияти тўғри шаклланса. у оилали бўлиш ва бахтиёр ҳаёт кечиришга оид масалаларни тўғри ечади, кам хатога йўл қўяди. Ҳар қандай масалани ечишда ўзининг ақл-идроки, мантиқи, тажрибаси ва маънавиятига таянади.

Маънавияти етарли бўлмаса ҳаётий масалани ҳал қилишда таваккалчиликка таяниб, хатога йўл қўяди. Айниқса ўрта мактабни битириб, касб танлаш, қайси билим юртига ёки олий ўқув масканига кириб ўқиш масаласини ҳал қилишда қийналади. Ҳозирги пайтда кўпчилик ёшлар ўзларининг қизиқиш, қобилиятига қараб эмас, кимгадир тақлид қилиб касб танлаш, ўқишга кириш масаласини ҳал қиладилар.

Ёшларда кўпроқ осон ва кўп пул топса бўладиган касбни танлаш ҳолларига интилиш ҳам йўқ эмас. Ёш авлод улғайиб, ўз хатосини тушунгач, уни тузатиш қийин бўлади. Бундай хатодан аввало инсон, кейин жамият катта жабр чекади. Шунинг учун ёшларда фанга, техникага, касбга қизиқишни уйғотишга, келажагини тўғри белгилашга ёрдам бермоқ лозим. Инсон маълум муҳитда шаклланади, ўсади, улғаяди, камолотга етади, касб-маҳорати ошади ва ниҳоят ўз касбининг устасига айланади.

Касб танлаш бу — оиланинг моддий ҳамда маънавий асосини яратади. Оилага тегишли масалалардан бири бу оилани бунёд этиш муаммоси. Бу муаммо ниҳоятда мураккабдир. Одатда келин-куёв масаласини ҳал қилишда келиннинг ва унинг оиласининг куёвга ва унинг оиласига талабидан ҳамда куёвнинг ва унинг оиласининг келин томон оиласига талабидан келиб чиқилади.

Амалиётда бу талаб бўйича аввало бўйи, ёши, маълумоти, соғлиғи, ота-онасининг касб-кори, хизмат жойлари, оиланинг иқтисодий аҳволи, яшаш шарт-шароитлари ва бошқалар ҳисобга олинади. Бизда оила бунёд қилиш масаласида ота-она катта роль ўйнайди ва деярли кўпчилик ҳолларда бу масала улар томонидан ҳал қилинади. Юқорида келтирилган талаблар асосан юзадаги талаблар бўлиб, уларни кўриш, баҳолаш мумкин. Лекин бир қатор кўзга кўринмайдиган, махфий, ички омиллар ҳам мавжуд. Булар қаторига томонларнинг маънавияти, маданияти, тафаккури, физиологик, биологик фаоллиги, ҳис-туйғулари, табиати киради. Буларни кўриш, баҳолаш анча қийин.

Айрим ҳолларда томонлар у ёки бу оиланинг бойлигига ёки нуфузли мансаб эгалигига учиб ҳам оила бунёд қилиш масаласини ҳал қилиб юборадилар. Оила бунёд қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиш салбий натижаларга, бахтсизликка, тушкунликка, руҳий азобларга, касалликларга олиб келиши мумкин.

Тасодифий никоҳлар узоққа чўзилмайди, натижада ажралишлар келиб чиқади. Тошкент шаҳрида ҳар йили ўрта ҳисобда 9,3-9,4 мингта никоҳ рўйхатдан ўтади. Ажралиш жараёни ҳам кам эмас. Ўрта ҳисобда бир йилда 5 мингта ажралиш қайд қилинади. Оиланинг бузилиши аёллар ва болаларга катта руҳий азоб келтиради.

Ажрашган эркакларнинг 95 фоизи уйланади, аёлларнинг эса бор-йўғи 30 фоизи иккинчи маротаба турмушга чиқади. Қолганлари оиласиз ўтади. Бундай аҳволнинг оқибати маълум, албатта. Бу ҳол руҳий танглик, иқтисодий қийинчилик, ҳаётга ишончсизлик билан қарашга, ахлоқий бузуқлик, ичкиликбозликка олиб келади. Умуман олганда, инсонни тубанликка олиб келади.

Бахтли оилада ҳаёт осойишта, бир маромда, ширин кечади. Бундай оилаларда мамнунчилик, бахтни ҳис қилиш, яхши шароит, хотиржамлик ҳукм суради. Бола тарбиясига эътибор, уларнинг келажагини ўйлаш, бахт-саодати учун ота-она ўз умрини бағишлайди. Бу хусусият ирсият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти.

ЎЗБЕК халқи оилага, болага берилган. Оила бунёд қилиш масаласида халқимиз катта тажриба орттирган. Халқ орасида одат тусига кирган анъаналар бунёд бўлаётган оиланинг бахтли-саодатли бўлишига қаратилган. Лекин кейинги пайтларда ҳаётда оила бунёд қилиш масаласига юзаки қараш ҳоллари ҳам кўпайиб бораяпти.

Судлар томонидан ажралиш тўғрисидаги ҳужжатлар ўрганилганида аризаларда кўпроқ учрайдиган қуйидаги сабаблар кўрсатилади: бола кўрмаганлик, характери тўғри келмаганлиги, бир-бирлари билан чиқиша олмаганликлари, қайнона-келин ўзаро келиша олмаганлиги ва ҳоказолар. Лекин бу сабаблар юзаки, баҳона сифатида фойдаланиш қулай бўлган сабаблардир.

Агар келин-куёв физиологик, биологик, ижтимоий, маънавий бир-бирларига тўғри келадиган жуфт бўлиб, улар орасида муҳаббат ҳис-туйғулари пайдо бўлса, оила камдан-кам ажралади. Аксинча, бундай оила кўп ҳолда бахтиёр оила бўлади.

Ҳаёт тажрибаси, тадқиқотлар йигитнинг ёши қизникидан катта бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Биологик мослиги дегани келин-куёвнинг руҳияти, генетик қўшилиб фарзанд кўриш қобилияти, айниқса, улар мижозининг бир-бирига мослиги тушунилади.

Маълумки, келин-куёвнинг мижозларининг бир-бирига тўғри келиши ҳам оилавий бахтга эришишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Эркак ва аёллар тўрт мижозга, яъни сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик тоифаларга бўлинади.

Сангвиник ва холерик тоифасидагилар иссиқ мижоз, флегматик ўртача, меланхолик совуқ мижоз ҳисобланадилар.

Янги оилани бунёд қилишда кўпинча мижозга эътибор бермайдилар. Иссиқ мижозлар ўзларига ўхшаган иссиқ мижозлар билан яхши қўшилишади. Сангвиник, холерик, флегматиклар бир-бирларига тўғри келадилар. Сангвиник билан меланхолик бир-бирига қўшилиши қийин.

Мижоз йигит-қизнинг хатти-ҳаракатида ҳам ўз аксини топади. Сангвиник, холериклар тезкор, жаҳли тез чиқиб, тез ўзига келадиган, барча гапи тилида, узоқ ҳафа бўлмайдиган, овқатни тез ейдиган, шошма-шошар, ишни тез қиладиган, хулосаларни ҳам тез чиқарадиган, қайсар, сўзидан қайтмайдиган, устунликка эга бўлишни ёқтирадиган хусусиятга эгалар.

Флегматиклар босиқ, ўйлаб гапирадиган, етти ўлчаб бир кесадиган, ишни пухта қиладиган, вазиятга қараб хулқ-атворини мослайдиган характерга эга.

Меланхоликлар ўта шошмайдиган, секин гапирадиган, имиллаб иш қиладиган, бирор фикрни секинлик билан тушунадиган, қисқаси «дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган» тоифадаги одамлардир.

Келтирилган хусусиятлардан кўриниб турибдики, сангвиник билан холерик, меланхолик тоифадагиларнинг акси. Булар бир-бирларининг асабларига таъсир кўрсатувчилар, чунки тезкор одам имиллаганни, аксинча имиллайдган шошма-шошар одамни ёқтирмайдилар. Мижоз масаласига қизлар бардош билан муносабатда бўлсалар, йигитлар кўпроқ сабрсизлик билан қарайдилар. «Ёш оила» бунёд бўлгач, кўпинча йигитлар хотининг «совуқлиги» ва бошқа тўғри келмайдиган омилларни келтириб шикоят қила бошлайдилар. Бу ҳолат бора-бора оиланинг бузилишига сабабчи бўлади.

Амалда йигит-қизлар мижоз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлари учун бу омилга эътибор бермайдилар. Бу омил оилавий ҳаёт бошланганидан кейин юзага чиқади.

Ота-оналар, умуман катталар ўз фарзандларига бу масалада ёрдам берсалар, юзаки ёндошиб никоҳга кириш, пухта ўйламай оила бунёд қилиш камайиб, ажралиш ҳам шунга яраша камайган бўларди. Ривожланган мамлакатларда йигит-қиз оила қуришга аҳд қилганларидан сўнг тиббий кўрикдан ўтиб, руҳшунос маслаҳатини оладилар. Бир-бирларига тиббий кўрик натижаларини беришади. Руҳшунос маслаҳатига риоя қилишади. Агар барча натижалар бахтли оила қуришдан дарак берса, никоҳдан ўтишади, акс ҳолда бир-бирларидан ҳафа бўлмай бахтли оила қуришдаги қидирув яна давом эттирилади. Келин-куёвнинг сангвиник тоифасига мансуб бўлиши ҳамма вақт ҳам ижобий натижа беравермайди. Айниқса, бу мижоздаги келин-куёв характеридаги қайсарлик, бир гапдан қолмаслик, «ўзининг гапини маъқуллаш», «айбни бировдан қидириш» хусусиятлари иккаласини бир-бирига қарама-қарши қилиб, уларни тезроқ бир-биридан совишга, яъни йироқлашишга, бефарқликка олиб келиши мумкин.

Меланхоликлар кўп камчиликларга бефарқ қарайдилар. Чунки улар камдан-кам жанжаллашадилар. Флегматик тоифасидаги йигит-қизлар ўз хусусиятларига кўра оилавий ҳаётга энг мос тоифа ҳисобланадилар. Улардаги босиқлик, сабр-бардош, ўзига танқидий қараш, ўқиб, ўрганишга интилиш уларни келажакда намунали ота-онага айлантиради, бахтли қилади.

Иқтисодий жиҳатдан ҳам келин-куёв бир-бирига мос бўлса яхши бўлади. Бир томон иқтисодий кучли бўлиб иккинчи томон заиф бўлса, бир томоннинг иккинчи томонга тобелик вазиятини келтириб чиқаради. Бу ҳол ҳам оиланинг арзимаган сабаб туфайли барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Ижтимоий тенглик деганда келин-куёв уйларидаги оилавий шароит кўзда тутилади. Келин ёшликдан яхши оилавий шароитда тарбия топган бўлса, шу шароит унинг учун одат бўлиб қолади. Турмушга чиққач, куёв томоннинг шароити яхши бўлса, келиннинг бу шароитга кўникиши тез ўтади. Тафовут катта бўлса, керакмас гап-сўзлар чиқиб келин-куёв ўртасида олдин гап-сўз ўтиб, кейин секин-аста жанжалга олиб келади.

Ўзаро муносабатларда жанжал бошланган кундан бошлаб бир-бирларига ҳурмат, ишонч ҳис-туйғулари пасайиб боради. Жанжал тез-тез қайтарилиб турса, келин-куёв бир-бирларига ётлашиб, бирга яшаш қийинлашиб қолади.

Маънавий тенглик-ижтимоий тенгликнинг бир бўлаги. Маънавий яқинлик нафақат келин-куёвни гўзал қилади, балки, улар ўзаро бир-бирларига инсоний фазилатларни намойиш қилиб, бир-бирларига бўлган муҳаббатни кучайтириб, оилавий ҳаётни лаззат манбаига айлантирадилар.

Маънавият келин-куёвни мазмун жиҳатдан муносиб қилиб, улар бир-бирларини маънавий бойитиб бориб, муносабат маданияти ҳам юқори даражада бўлади. Ижтимоий, маънавий тенгликни таъминлаш учун келин ҳам, куёв ҳам оилавий ҳаётга ўзларини тайёрлашлари зарур. Хўш оилавий ҳаётга тайёргарлиқ нимадан бошланади?

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш уларнинг аввало ахлоқ-одоби, бадан ва руҳ тозалиги, муомала маданияти, кийим-кечакни, ўрин-кўрпани, уйни, хонадон жиҳозларини тоза тутиш, сабр-бардошли бўлиш, қийинчиликларга чидаш, ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари, ўқишга қизиқишга ўргатиш, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилиш керак: инсонпарварлик, адолатпарварлик, раҳм-шафқатлилик, хайрихоҳлик, саховатлик, ҳалоллик, меҳр-оқибатлилик, муҳаббат, софдиллик, эзгулик, ахлоқийлик, иймон-эътиқодлилик, вафодорлик, виждонийлик,эзгулик йўлида фидойилик, ватанпарварлик, катталарга нисбатан иззат-ҳурматлилик.

Агар ёшлар оилавий ҳаётнинг биринчи кунидан бошлаб бахтли оила қуришни ният қилиб, уни амалга оширишга астойдил киришсалар, оилани авайлаб, асрасалар, бир-бирларини эҳтиёт қилсалар, бўлар-бўлмас майда гапларга эътибор бермасалар, бахтли оила бунёд бўлади. Бахтли оила келин-қуёвни ҳам бахтли қилади. Оилавий ҳаёт лаззатли бўлади. Оилада соғлом, ширин-шакар, ақлли-ҳушли фарзандлар туғилади. Оила ҳар томонлама баркамол бўлади. Бундай оилада хайр-барака зиёда бўлади. Оила аъзоларининг ҳаётга муносабати ҳам ижобий бўлади. Ҳаёт ниҳоятда сермазмун, ширин-қадрли бўлади. Оила аъзоларининг руҳи тетик, кайфияти яхши, соғлиғи бақувват бўлади. Бундай оилада муҳит соғлом бўлади, оила аъзоларининг дунёқараши ва ижобий ҳиссиётлари кўп бўлади.

Айрим оилаларда фарзандларни ёшликдан эркалатиб, оилавий ҳаётга ўргатмайдилар. Бундай фарзандлар ҳаётга юзаки қараб ўзларини ҳам, ота-она, қариндош-уруғларини ҳам руҳий азобга қўядилар.

Оиланинг мустаҳкам бўлмагани жамиятга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади.

Ўзбек халқи қадимдан оилага берилган. Халқимизнинг барча урф-одатлари оилани мустаҳкамлашга, улар орасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган.

1998 ЙИЛНИНГ мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилиниши, оилага бўлган эътиборни кучайтириш, оилавий муаммоларни ҳал қилишга жиддий киришилганини кўрсатувчи муҳим омилдир.

Соғлом, иқтисодий бақувват, маънавий баркамол оилалар қанчалик кўп бўлса, мамлакатимиз шунчалик фаровон бўлади. Ҳаёт бир маротаба берилади. Уни бахтиёр, мамнун ҳолда халққа хизмат қилиб яшаш керак. Маънавияти чуқур инсон оилада жанжал, келишмовчилик келиб чиқишига йўл қўймайди. Оила бахтли бўлиши учун нима қилиш керак? Бунга ҳаёт тажрибаси, кўпчилик олимларнинг илмий изланишлари жавоб беради. Масалан, оила бунёд қилиш билан боғлиқ масалаларга тўхталадиган бўлсак, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни изҳор қиламиз.

Аввало неча ёшда никоҳдан ўтиб оила қуриш мумкин? Қонунга кўра 18 ёшдан никоҳдан ўтиш мумкин. Амалдачи? Амалда кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, инсон оилавий ҳаётга жисмоний, руҳий, биологик, иқтисодий, маънавий, маданий томондан пишиб етилиши керак. Кўп томондан эркаклар 26-29 ёшида, аёллар эса 23-26 ёшида етилар эканлар. Бизда эса қизларни 17-18 ёшида эрга бериш, ўғил болаларни 20-22 ёшида уйлантириш оммавий одат тусига кирган. Агар қизлар 22 ёшгача эрга чиқмаса, ўтириб қолганга чиқаришади ва бундай қизларни иккинчи маротаба уйланадиган йигитларга тавсия қилишади.

Кейин қизлар турмушга чиққач маълумотидан қатъий назар 3-4 болани кетма-кет туғиб, бутунлай жамиятдан ажралиб қоладилар. Улар кўп ҳолда бола тарбияси баҳона ижтимоий-иқтисодий фаолликдан маҳрум бўлиб қолиб, маънавиятлари қотиб қолади.

Эркаклар фаол ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жараёнида бўлганликлари учун уларнинг маънавиятлари кундан-кунга ривожланиб боради. Натижада эр-хотин орасидаги тафовут муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келади.

17-18 яшар қиз бола ва 20-22 яшар ўғил бола жисмоний жиҳатдан етарли шаклланмаган, руҳи чиниқмаган, иқтисодий заиф бўлади ва ота-онасига 5-6 йил мобайнида қарам бўлади. Оила тебратиш осон эмас. Оиланинг ўзига яраша сарф-харажатлари бўлади.

Ўғил бола 26-29 ёшида характери шаклланган, иқтисодий жиҳатдан нисбатан яхши, ўз йўлини топган бўлади. Бундай оила етарли даражада мустақилликка эришган ва ўзини-ўзи бемалол эплайдиган ҳолатда бўлади. Ўғил бола 26-29 ёш орасида уйланган, қиз бола 23-26 ёшда турмушга чиққанлар таҳлил қилинганда бошқа ёшдагиларга қараганда ажрашиш улар орасида энг кам бўлган. Чунки бу ёшда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам маънавияти етарли ривожланган ва оила масаласини пухта ўйлаб ҳал қиладиган бўлади. Айнан шу ёшда турмуш кўрган оилаларда фарзандлар бақувват, соғлом, ақлан кучли болалар туғилар экан.

Энди оила аъзолари, айнан эр-хотин муносабатини оладиган бўлсак, бу ҳам анча мураккаб масала. Чунки иккита мутлақо бошқа-бошқа муҳитда туғилиб ўсган одамларнинг бирга яшаб, бир-бирига кўникиши ҳар хил кечади. Муносабатлар аста-секин яқинлашиб, ривожланиб, бир-бирига ишонч, ҳурмат-иззат йўлидан ҳам, ишончсизлик йўлидан ҳам бориши мумкин.

Муносабатларнинг ижобий йўлдан ривожланиб боришига ҳам бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларга аввало маънавият, ақл-идроқ, таълим-тарбия, яшаш шароитлари киради.

Хуллас, маънавиятга оилавий бахт-саодат, муносабат, соғлом муҳит бевосита боғлиқ. Шунинг учун боғча, мактаб, оилада маънавиятни оширишга қаратилган ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқининг азалий удумларидан бири ота-она кичик ўғил билан бирга яшашидир. Бир томондан ота-она оила боши, ўғил ва унинг оиласига ҳам моддий, ҳам маънавий томондан мададкор бўлади. Иккинчи томондан фарзанд улғайиб мустақил бўлгунча ота-онасига суянади, ўзини ишончли ҳис қилади. Учинчи томондан ота-она қариб, кучдан қолганда фарзанд ота-онага мададкор бўлади.

Ота-онага иззат-ҳурмат руҳида тарбияланган фарзандлар ўз ота-оналарини чуқур ҳурмат қиладилар, уларни эъзозлайдилар. Шунинг учун ҳам ўзбек оилаларида кўпчилик ҳолларда ота-оналар қариганларида ночор аҳволга тушмайдилар, аксинча улар қарилик гаштини сурадилар.

Ота-она ва фарзандлар муносабати бу—тизим. Тизимнинг яхши ишлаши албатта икки томонга боғлиқ. Бу тизимнинг иккала элементи ҳам бир-бирига хизмат қилади.

Тизимнинг яхши ишлаши икки томонни мамнун қилиши, ота-онанинг маънавияти, ахлоқ-одоби, касб-кори, ўз фарзандларига берган меҳри, тарбиясига боғлиқ. Фарзандлар ўз ота-оналаридан тарбия, меҳр олиб уларга ўхшашга, улар изидан боришга ҳаракат қиладилар. Ўзбек оилаларида ота-онасининг изидан бориб, уларнинг ишини, касб-корини давом эттирадиган фарзандлар жуда кўпчиликни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда Шарқда қадим-қадимдан муқаддас Ватан саналган оилани мустаҳкамлаш, унга мадад бериш, қўллаб-қўлтиқлаш муҳим масалалардан биридир. Бинобарин 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан Президентимиз Фармойишидаги, Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида» ҳамда «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларида белгилаб қўйилган кенг кўламдаги вазифаларни амалга ошириш ҳар биримизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир.

Фарида АБДУРАҲИМОВА,
Садир САЛИМОВ.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Ўтмишнинг улкан истеъдод соҳибалари — ўзбек шоиралари яратган асарлар, бетакрор ғазалу рубоийларни ўқиб, ҳайрат ва ҳаяжон денгизига ғарқ бўламиз. Кўксимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади. Ўрта аср ўзбек шеърияти бўстонини гуллатган шоиралар сирасига Робия, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод отин, Анбар отин кабиларни киритамиз. Булар орасида шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг қизи Гулбадан Бегимнинг алоҳида ўрни бор. Унинг машҳур «Ҳуммоюннома» асари бебаҳо бадиий ёдгорлик бўлиб, катта тарихий-маърифий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу кунларда Гулбадан Бегим таваллудига 475 йил тўлди.

Мозий

НАЗОКАТ ВА СОФЛИК ТИМСОЛИ

Сўнгги йилларда Ҳазрат Алишер Навоий даври шоиралари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур хонадони сулоласига мансуб ижодкор аёллар ҳаёти ва ижодига доир муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Гулбадан Бегим ҳақидаги муҳим тарихий маълумотлар ҳам ўрганилиб, дунё жамоатчилигига тақдим этилмоқда.

Гулбадан Бегим Бобур Мирзо ҳамда Дилдор Бегимнинг қизи бўлиб, у 1522 йилнинг кузида Кобулда туғилган. Маълумки, Бобур Мирзонинг 16 фарзанди бўлган. Гулбадан Бегим отаси вафот этганида саккиз яшар қизалоқ эди. Гулбадан кичиклигидан Бобур салтанати валиаҳди — Ҳумоюн Мирзонинг онаси Моҳим Бегим тарбиясида бўлади. Улуғ шоир Бобур Мирзонинг суюкли рафиқаси Моҳим Бегим ғоят нозиктаъб аёл ва санъат шайдоси эди. Шу сабабдан ҳам у Гулбадан Бегимда адабиёт, санъат, тарихга катта муҳаббат уйғотади. Гулбадан Бегим ушбу йўналишларда чуқур билим олиб, таҳсил давомида шеърият ва тарихнависликка бўлган иштиёқини мустаҳкамлаб борди. Ёшлигиданоқ мазмундор тўртликлар, гўзал ғазаллар ёза бошлаган Гулбадан Бегим бобурийлар хонадонида ёрқин бир юлдуз бўлиб порлади.

Гулбадан Бегим 1560 йили Бобур Мирзонинг набираси — Ҳумоюн Мирзонинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ таклифи билан «Ҳумоюннома» асарини ёза бошлайди. Бу улкан тарихий ёдноманинг ягона нусхаси Британия музейи қўлёзмалар хазинасида сақланади. Бу асар 1902 йилдагина шарқшунос олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилиб, шундан сўнг унинг кўплаб нусхалари дунё юзини кўрди.

«Ҳумоюннома», тарихшуносларнинг фикрига кўра, машҳур «Бобурнома»нинг мантиқий давоми ўлароқ, Бобур ҳаёти охирларидан то Акбаршоҳ ҳокимияти даврига қадар бўлган тарихий воқеаларни, жуда кўп муҳим тафсилотларни қамраб олган. «Ҳумоюннома» асарида бобурийлар сулоласи ҳамда ўша давр маданий-маърифий доираларининг машҳур вакиллари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Асарнинг ўта содда ва халқчил тилда ёзилганлиги эса унинг бадиий қийматини янада оширади.

Гулбадан Бегим ўзи ижодкор аёл бўлганлиги учун, унинг канизаклари, ҳамсуҳбатлари орасида ўша даврнинг кўпгина истеъдодли шоира ва санъаткорлари ҳам бўлган. Бу хусусда Гулбадан Бегимнинг ўзи ҳам «Ҳумоюннома»да кўплаб маълумотлар келтирган. Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ даврларида аёлларнинг саройда тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу даврда аёллар ижтимоий ҳаётнинг бир қанча соҳаларида фаол иштирок этганлар. Саройга дахлдор хонимлар, бегимлар, жумладан Гулбадан Бегимнинг ўзи ҳам, давлат миқёсидаги дипломатик ишларда қатнашган. Шунингдек, Гулбадан Бегимнинг ёзишича, Акбаршоҳ даврида турли байрамлар, тантаналар маросимлар муносабати билан саройда ажойиб томошалар ва кўргазмалар ташкил этилар экан. Сарой хонимлари ва албатта юртнинг юксак истеъдод соҳибалари бундай тадбирларда ўзларининг санъаткорлик ва шоиралик маҳоратларини намойиш этар, кўргазмаларда эса салтанат аёллари яратган бетакрор каштадўзлик, дўппидўзлик, зардўзлик асарлари намойиш қилинар экан.

Гулбадан Бегим тарихнавислик билан бир қаторда гўзал шеърлар ҳам яратган. Афсуски, Гулбадан Бегим қаламига мансуб шеърий асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Биз унинг беназир шоирлик истеъдодига фақат бир нечта байт ва рубоийлари орқали баҳо бера оламиз. Жумладан, давримизгача етиб келган тазкираларда Гулбадан Бегимнинг мана бу байти мавжуд:

«Ҳар парирўёки,
у ошиқи ҳуд ёр нест,
Ту яқин медонки,
ҳеч аз умр бархурдор нест»

Мазмуни:

«Ҳар бир паричеҳра ўз ошиғига ҳақиқий ёр эмас экан.

Билгилки, у ҳеч вақт ҳаётнинг асл маъносини билмайди».

Гулбадан Бегим гўзал ижодий ва ўта мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтади. Унинг умр йўлдоши Мавлоно Ҳизрхўжа ҳам ўз даврининг маърифатли ва истеъдодли кишиси бўлиб, шеърлар машқ қилган. Гулбадан Бегим ва Ҳизрхўжанинг Саодатёр исмли ўғиллари бўлган. Гулбадан Бегим 1575 йили Макка зиёратига боради. Истеъдодли шоира ва тарихнавис 1603 йили 80 ёшида Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этади. Акбаршоҳ суюкли аммасини эъзозу ҳурмат билан, Деҳлидаги машҳур Тож Маҳал мақбарасига қўйдиради. Гулбадан Бегим, ўз исми каби, туркий қавмлар наздида назокат ва софлик тимсоли бўлиб қолган.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

Назм

ЯГОНАНГ БЎЛАЙ ДЕЙМАН

Ҳижрондан тонай дейман,
Ёнингда қолай дейман,
Бағрингда ёнай дейман,
Меҳрингга қонай дейман.

Ўн саккиз ёшларинг бор,
Пайваста қошларинг бор,
Қирқ кокил сочларинг бор,
Битталаб санай дейман.

Кўзларингда нам кўрдим,
Юзларингда ғам кўрдим,
Бошгинангни хам кўрдим,
Дардларинг олай дейман.

Ёндирсанг ҳам кетмаган,
Қуйдирсанг ҳам кетмаган,
Ўлдирсанг ҳам кетмаган,
Парвонанг бўлай дейман.

Ўтинчларим рад этма,
Ёнимдан мангу кетма,
Ёлғизимсан, унутма,
Ягонанг бўлай дейман.

АРАЗ ҚИЛМА

Сен мендан араз қилма,
Ёмон деб фараз қилма,
Ниятим ғараз билма,
Бағрингдан халос қилма.

Сендадир хаёл-ёдим,
Бўлма завол, барбодим,
Ушат орзу, муродим,
Қайғуни мерос қилма.

Ёмонларга ишонма,
Ёлғонларга ишонма,
Ғумонларга ишонма,
Саробни эъзоз қилма.

Бахт калити қўлингда,
Ташлаб кетма йўлингга.
Музлар солиб кўнглимга,
Рақиб кўнглин ёз қилма.

ХИЖОЛАТ

Юзинг оппоқ, қор ҳам хижолат,
Кўрдим, кетди ором хижолат.

Бу юзларга доғ тушмасин деб,
Ташвиш кони олам хижолат.

Қошинг узра бир сўз дея олмай,
Ҳуснингга зор, хор ҳам хижолат.

Фариштами ё пари-пайкар,
Фарқ қилолмай одам хижолат.

Таърифингни келтиролмай ҳеч,
Туроб бирла қалам хижолат.

Туроб НИЁЗ.

Маслаҳатлар

ҚЎЛ-ОЁҚ НЕГА ШИШАДИ?

Кечқурун уйқуга ётиш олдидан кўп суюқлик ичиш шиш пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири. Кўпинча қулупнай, шоколад, асал, балиқ ва бошқа маҳсулотлар истеъмол қилганда ёки ноқулай ҳолатда — бошга ёстиқни паст қўйиб ухлаганда ҳам қўл-оёқлар шишади. Шиш буйрак, юрак касалликлари оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

ХУРРАКНИНГ ДАВОСИ

Уйқуда оғиздан нафас олганда ҳаво оғиздан бурун-халқумга ўта туриб юмшоқ танглайни тебратади, натижада одам хуррак отади. Хуррак отаётган пайтда одам бошқа ёнбошга ағдарилиб олганда хуррак кўпинча тўхтайди. Хуррак отмаслик учун қуйидаги оддий тадбирни қўллаб кўринг: кечқурун ётишдан олдин газламани ёстиқча шаклида бир неча қават қилиб қаттиқ буклаб олинг-да энсага қўйинг, устидан дока билан бошингизни қўшиб боғланг. Шундай қилсангиз, чалқанча ётолмайсизда, ёнбошлаб олишга мажбур бўласиз. Агар бу усул ҳам ёрдам бермаса, шифокорга мурожаат қилинг. Бурундан меъёрда нафас олишни тиклаш учун баъзан тиббий муолажа олишга тўғри келади.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.



Ибога чулғанган нигоҳ.

Миртемур Қодиров олган сурат.

Наср

СИРЛИ ҚИЧҚИРИҚ

(Тарихий ҳикоя)

Беҳисоб юлдузлар қуршовида тўлишиб турган ой борлиқни симобий рангга чулғаб, қўшки гумбаз аро балқиб турибди. Тунги борлиқ нағмасозлари бўлмиш турфа хил чириллоқлар биринкетин ҳордиқ олишга тутинишиб, кўзлари илинди чоғи, борлиқ сирли жимликка чўкди. Ой шўъласида азалий қум барханларига ўхшаб, тилсимот ошиёни бўлиб кўринаётган кўҳна қабристондаги қабрлар ғаладонида ҳам муқим жимлик ҳукм сурмоқда эди. Ерга қўйилганига бешинчи кун бўлган Маъбудабегим аста идрокланиб, кўзини ҳарчанд очмасин, атрофида ҳеч нарса кўзига ташланмади. Кимдир қитиқлаётгандек, қўйлагини тортаётган каби «қирт-қирт» деган овоз чиқар эди. Аста қўлини қимирлатган эди, овоз тинди. Чалқанча ётганини ҳис этди-ю, ўнг қўлини ёнига тираб турмоқчи бўлганида, ўзини аллақандайдир қопнинг ичида эканлигини фаҳмлаб, идрокини аста жамлай бошлади. «Қирт», «қирт» этган овоз яна пайдо бўлди, қўлини қимирлатган эди, овоз яна тинди. «Қоп»нинг ичида жуфт бўлиб турган икки оёғини ўзига тортиб яна узатган эди, оёғи аллақандайдир юмшоқ деворга тегди.

Орадан яна бир неча дақиқа ўтгач, ҳуши мутлоқ ўзига келган Маъбудабегим воқеани буткул тушунди. Бор бўйбастига ўралган қопсимон матонинг икки томони маҳкам боғланган, на турмоқни-ю, на ўтирмоқни иложи йўқ. Баҳоли қудрат кучини жамлаб ётган жойида икки панжа ўнгга, икки панжа чапга думалаш машқини бажариб, увишиб қолган жисмини ҳаракатга келтира бошлади-да, вужудини анча қиздириб олди. Қўл ҳаракатлари анча жонланиб, қопсимон ўровнинг ичида қўлини эркин юргазиб ниманидир тимирскилади. Ахтараётган илинжининг боиси, ўша «қирт», «қирт» этган овоз натижаси эди. Маъбудабегимнинг тушунгани шу эдики, ўзига ўралган қопсимон матони бирон кемирувчи махлуқ кемираётгани аниқ эди. Ҳиссиёти алдамади, қўлини қайта-қайта юргизиб турганида, ўрта бармоғи чала кемирилган йиртиқча ичига кириб қолди. Умиди учқунланиб, йиртиқчани бармоғи билан ўзига тортиб, кичик бармоғи узунлигида йиртди-да, бир оз тин олди. Лаҳза ўтгач, яна ҳаракатга кириб, икки қўлини йиртиқчага суқиб, машаққат билан тортган эди, мато йиртилиб, ўровдан қутилди. Кўзи қоронғига ўрганиб қолгани учун қилт этган нур бўлмаса ҳам ётган жойи бемалол кўриниб турар, матонинг оқлиги эса гўё шам вазифасини ўтар эди. Матонинг ярмини йиртиб, оддийгина ҳиндуча либосга ўралгани каби ўзига ўраб, либосланиб олди-да, навбатдаги юмушни ўйлади.

Ертўла туйнугига оддий гувала терилганини кўрди-ю, бир гувалани икки панжаси билан ўзига тортган эди, туйнукка терилган гуваланинг барчаси Маъбудабегимнинг оёғи остига зарб билан тушиб, гувалалар ортидан майда нам тупроқлар ҳам шувиллаб тўкила бошлади. Зумда оёғининг ости тупроққа тўлиб, туйнукчанинг оғзи яна ёпилиб қолди. Маъбудабегим гувалаю, тупроқларни торгина ертўлачанинг бурчагига бемадор сурар экан, ўчакишгандек навбатдаги тупроқ сели ертўлага

ёпирилиб, Маъбудабегимни ортиқча ҳаракат қилишига имкон қолдирмади. Аммо, туйнукча очилиб, ёнидаги тўрт бурчаклик ҳандақнинг бир ёни тупроқдан халос бўлиб, қўқдаги ой жамолини ертўла туйнугидан бошини чиқариб турган Маъбудабегимга кўрсата олишга саховат этди. Ой жамолини кўришга муяссар бўлган Маъбудабегим тиззасигача тупроққа ўралиб қолган икки оёғини торта олмай, борлиққа исён солиб қичқириб юборди. Овлоқ жойларда дайдиб юрган ўйноқи итлар қичқириқ овозини эшитишгани замон тўдалашиб ўзини қабристон саҳнига уришди-да, ярим очиқ қабр атрофида ҳуриб, акиллай бошлашди. Мангуқўрғон дарвозасининг ташқи томонига қурилган, бордон томлик ҳужранинг ичида фонус ёниб, дарича атрофи нимжонгина нурга бўялди. Ҳужра соҳиби Хизматилла чапчан (эпчил маъносидаги лақаб) фонус пилигини бироз чиқариб, ички ҳужрага кириб, хотини билан фарзандлари ухлаб ётишганини кўргач, кўнгли таскин топиб, ташқарига чиқди. Ой шўъласи яхши ёритиб тургани учунми, ҳужрасига қайтиб, фонусни жойига қўйди-да, яна ташқарига юзланиб, итлар акиллаётган томонга сергаклик билан йўл олди. Мангуқўрғон соҳибини танийдиган катта-кичик итлар Хизматилла чапчанни келаётганини кўриши биланоқ аллақандайдир сирли илтижо билан ниманидир тушунтирмоқчи бўлишар эди-ю, аммо тиллари узун бўлгани билан гапира олмаётганликларидан туғёндаги юраклари сиқилиб, дам ярим очиқ қабрга, дам тўлиб турган ойга қараб ногоҳ ув тортиб, Хизматилла чапчан томондан хавф туғилгудек бўлса, қочиб қолмоқ учун жонсарак бўлиб туришлиги Мангуқўрғон соҳибини юмшоқ оҳангда овоз чиқаришга мажбур этди.

— Вой азаматлар-ей, нега шовқин солурсиз? Бирон тулки, ёким бўрсиқни қувалаб келган бўлсангизлар чўккан қабрга тушиб кетибдурму?.. — Итлар Хизматилла чапчанни гапларини тушунишаётганидек қулоқларини «динг» қилиб, бўйни аралаш бошларини қийшайтиришган ҳолда бир оз сукут сақлашди-да, яна чўккан қабрга яқин боришиб акиллай бошлашди.

Хизматилла чапчан чўккан қабрнинг тепасига бориб пастга энгашар экан, эгилган қадди чуқурчага тушаётган ой шуъласини беркитиб қўйгани учун ҳеч нарсани кўрмади. Қаддини ростлаб этагини қоқди-да, итларни ҳайдаб юбормоқчи бўлиб қўлига кесак олган эди, соҳибнинг фикрини англаган итлар думларини қисишиб, бараварига ириллашиб, чўккан қабрга қараб яна акиллай бошлашди. «Бу ерда нимадир бор», деб ҳужрадан фонусни олиб келганида итлар чўккан қабрнинг атрофида тизилишиб ўтиришганини кўрди.

Маъбудабегим бор кучи билан қичқирган чоғида жисмидаги қувватнинг ўндан тўққизи учиб кетгани каби ҳолсизланиб, инграшга ҳам мадори келмай, туйнукдан мўралаганича ғойибдан мадад кутар эди.

Чўккан қабрга энгашиб, фонусни ўнг қўли билан пастга қараттан эди, Хизматилла чапчаннинг юраги шувиллаб кетди. Лаҳад туйнугидан мўралаб турган, яқиндагина ўзи ерга қўйган соҳибжамол жувон икки кўзини тоҳ очиб, тоҳ ёпиб «мен тирикман» деган ишорани билдириб турар эди.

«Мен ҳозир келурмен» деб Хизматилла чапчан ўзига-ўзи гапиргандек, фонусни кўтарганича ҳужрасига қараб йўл олди. Остин-устун нафас олганича ҳужрага кириб, хотинини аста кўрпа аралаш туртди. Уйқусини бузгиси келмаётган Назирнисо кўзини зўрға очиб сўз қотди:

— Ҳа, не деюрсиз?

— Ҳе, турсангиз-чи, андек юмуш чиқиб қолибдур.

— Уҳ... ярим тунда қандай юмуш эркан, ҳожам?

— Аввал оёққа турингиз, сўнгра айтурмен.

Зурёдларининг дадаси бўлмиш падари бузрукворнинг таъби хира тортиб, «қаҳри қўпиб қолмасин» деб чала уйғоқ ҳолатда ўрнидан «дик» этиб турди-да, сергак тортиб эрига нигоҳ ташлади. Ўнг қўлида фонус кўтариб турган Хизматилла чапчан, чап қўли билан «аслаҳа ҳужра»га ишора қилиб, амр қилди:

— Ҳужрачадин лаҳм капкир бирла бир жуфт сатилни олингда, ортимдан юринг.

Чўккан қабр томон йўл олишар экан,

йўлма-йўлакай воқеадан хотинини хабардор этди.

Мангуқўрғон юмушларига қўникиб қолган адлқомат жувоннинг ҳам юзида ҳайрат аломати пайдо бўлиб, эрининг ортидан чўккан қабр томон борар экан, вужудида заррача бўлсин чўчинқираш ҳисси сезилмади. Эр-хотин тўрт бурчаклик чуқурнинг ичидаги тупроқларни остига қадар олиб ташлашганидан сўнг Хизматилла юқорига чиқиб, мусулмончилик қоидасига путур етмаслиги учун жувонни лаҳат туйнугидан тортиб олишни хотинига юклади.

Жувон «лип» этиб, ҳандақка тушдида, Маъбудабегимнинг икки қўлтиғига икки қўлини аста суқиб ўзига тортди. Маъбудабегимнинг икки оёғи тиззасига қадар тупроқда қолгани боис, биринчи тортишда натижа бўлмади. Ўтоташ бўлиб қизиб турган Маъбудабегимнинг жисмидан қувватланиб, янада кучланиб кетган довюрак жувон икки қўлтиқдан маҳкам ушлаб «Ё пири Сулаймон» деб ўзига тортган эди, Маъбудабегимнинг икки оёғи тупроқдан суғурилиб, гавдаси лаҳат ичкарисидан чиқди. Тўрт бурчаклик ҳандақ деворига суяб ўтқизар экан, эрига юзланди. Хотинининг фикрини дарҳол тушунган Хизматилла чапчан белига ўралган ўрама белбоғини ечиб, узатди. Жувон белбоғни Маъбудабегимнинг икки қўлтиғидан ўтказиб, белбоғнинг икки учини эрига тутқазди-да, ўзи Маъбудабегимни даст кўтариб, эрининг тортиб олишига кўмаклашди. Безовта итлар ҳам акиллашни тўхтатиб, аста тарқалишиб кетишди-ю, аммо оппоққина бир гурзи кучукча Маъбудабегимни атрофида айланиб бир оз ғиншигач, итлар кетган томонга қараб югуриб кетди.

Назирнисо Маъбудабегимни ҳаник ҳужрада ювинтириб, сандиқдаги ўзининг ҳали кийишга улгурмаган янги ҳайит кўйлак ва попук жияклик атлас лозими билан кийинтириб, жун тўшакка солинган атлас кўрпача устига ётқизди-да, қизига чой дамлашни буюрди. Чой келгач, Назирнисо ёғочдан ясалган жажжи қошиқчада Маъбудабегимга асалдан учтўрт маротаба ялатиб, ортидан чой ичирди. Бағрига мадор кирган Маъбудабегим хиёл дақиқадан сўнг қувватга кириб, аста Назирнисога миннатдорона нигоҳ солди-да, кўзларини юмиб хаёлга толди.

— Бир оз дам олсин шўрлик, — деб Назирнисо ҳужранинг бурчагида турган тол саватдаги чигитли пахтани оёқ учида юриб, бориб олиб келди-да, Маъбудабегимнинг ёнгинасига ўтириб, пахтасини чувий бошлади.

Маъбудабегим кўзларини юмганича хаёлан мушоҳада оламига ғарқ бўлиб, тирикликнинг турфа хил инжиқликлари ҳақида ўзига-ўзи, унсиз сўзланмоққа тутинди.

— Ажаб, биз гумроҳ бандалар, тириклик қадрига мутлақо етмас эрканмиз. Арзимаган кибру ҳаволар бирла, бир-биримизга панд едириб, кўзимизга жиловсиз эрк бериб, кўзнинг қули бўлиб қолган нодон тафаккур бирла, не-не жангларнинг сабабчиси-ю, не-не жабр-ситамларнинг яратгувчиси бўлиб юрур эрканмиз. Ажаб, зуваласи бир чимдим бўлса ҳам ортиқ яратилган биз ношукур бандалар, мана шул, Мангуқўрғон соҳибию, соҳибасига ҳамиша ўзгача кўз билан қараб, кўрган чоғларимизда, аллақандайдир нордоннамо нигоҳ бирла сўзлашурмиз. Гўё нимадандир қўрққанимиз киби, нимадандир асралмоғ керак бўлганимиз киби, гўё Мангуқўрғон соҳиби-ю, соҳибасининг ёқасидан фанога кетганлар мўралаб чиқиб, илашиб оладигандек ҳис этурмиз ўзимизни. Аслида булар ҳам, табобат оламининг вакиллари эрмасму?.. Аслида булар ҳам табибдурлар. Жонсиз вужудларни яшириб, тириклар оламининг соғлиғига соғлиқ қўшадурлар. Фақат булар табиблардек эгниларига оқ яктагу, бошларига сочсуруф илмаслар, холос.

Хаёлларига нуқта қўйган Маъбудабегим аста кўзини очар экан, Назирнисо қўлидаги пахтани моҳирлик билан чувиб ўтирган ҳолда Маъбудабегимга нигоҳи тушиб аста гап қотди:

— Қандоқсиз жоним, анча мадор олдингизму?

— Раҳмат бибижон, тирик эрканлигимга ҳали-ҳануз ишонгим келмайдур. Ростин ҳам тирикменму?..

Оламдан кўз юмганларнинг хизматини адо этавериб, ўзи танийдиган жамоанинг қувончсиз кўзларини кўраверириб, дийдаси тош қотиб кетган Назирнисо, ушбу дамда Маъбудабегимнинг ёри биродарлари-ю, қолаверса бутун аҳли жамоа олдида руҳи таскин топиб, юзлари ёруғ бўлишлигидан қувониб гул-гул яшнаб сўз бошлади:

— Айланайин сингилжон, тириксиз. Қишлоқ итларига ҳам минг бора раҳмат, ўшалар бўлмаганида биз ғофил бандалар ҳам қайдин билур эрдик. Ана энди, аҳли қишлоқни қувонмоғини айтмайсизму. Эрта-метан завжингиз юзбоши тўра эшитиб, ҳушларидан бегона бўлмасалар эрди.

Нам тортган кипригини аста артар экан, Маъбудабегим майингина овоз билан сўзланди:

— Суюнчиси катта бўлса ажаб эрмас, бибижон.

— Вой айланай сингилжон, сўз суюнчида эрмасдур, жонингизни эгам қайтариб берганлигининг ўзи биз учун тоғдек суюнчидир. Ёруғ оламда тирик бўлиб юрмоқликнинг ўзи муслима-мўминалар жонига рўшнолик эрмасму.

Юзбоши Маъданхон тўра кенжа танмаҳрамини ерга топширган кундан бери кимса билан соғлом одамлардек, тетик руҳда гаплаша олмай, ўзини анча олдириб қўйди. Тўнғич ва ўрта танмаҳрамлари тайёрлаб турган таомларни ҳам тузукроқ танаввул этмай, кенжа маҳрамининг ёди билан, хаёл уммонидаги воқиот билан овора...

...Бурноғи йилда гуржистонлик савдогар дўсти Заманашвили ўзи билан келтирган қўғирчоқдек оппоққина кучукчани Маъбудабегимга овунчоқ бўлсин деб, ташлаб кетгандан буён Маъданхон тўранинг қўрғонидаги улкан қўриқчилари қаторида ушбу жажжи жонивор, энг ардоқлиси эди. Нақшиндор айвонга ҳеч қачон ўзича оёқ босиб чиқмайдиган бу жажжи жонивор негадир ярим тундан бери тонгга қадар айвон четига қурилган, қўл ва юз чайиладиган ҳаник атрофида безовта нигоҳ билан Маъданхон тўранинг ҳобхонасига термулиб, ғингшиб чиқди.

Тонгда тўранинг маҳрамлари, бири сочиқ, бири обдаста-ю, офтоба ушлаб айвонга кўтарилганларида, ҳаник атрофида кўксини ғиштга бериб ётган кучукчани кўриб, Маъбудабегимни соғинчи ичра азоб тортаётган митти жонзодга раҳмлари келиб, аста кўтариб олдиларда, оппоқ юнгларидан силаб, айвоннинг баланд зинасидан ерга тушиб, ҳовлига қўйиб юбордилар.

Маъданхон тўра юз-қўлини артиб ҳовлига тушгач, кучукча тўранинг оёғини искаб, кўча эшиги томонга такрор-такрор югуриб, бориб келар, нимадир демоқчи бўлар эди-ю, аммо тушунтира олмас эди.

Катта маҳрам Интизорбону оқ ҳарир рўмолининг икки учини белига боғлаб, қўлида супурги билан кўча эшигини очиб чиқар экан, кучукча югуриб кўчага чиқди-да, кенг сайхонликнинг нариги бурчига жойлашган Мангуқўрғон томонга югуриб кетди. Қўлида челак кўтариб, сув сепиш учун чиққан Шамсиянисо, Интизорбону билан бараварига кучукчанинг номини атаб: «Миттижон, ҳой Миттижон» деб чақиришган эди, кучукча бир бор ортига қаради-да, яна югуриб кетди. Икки маҳрам бу ҳолатни ҳайрат билан кузатишар экан, соғинчга йўйишдида Интизорбону Шамсиянисога сўз қотди:

— Эҳ, сингилжон, қани эрди, шул митти жонивор гапиришни билганида, не мақсад бирла кетаётганлигини билган бўлур эрдик. Одамзод олим-у, фозил деймизу, аммо шул улуғ зотлар, бирор жониборга тил ато эта олмабдурлар. Борди-ю, идрок бирла тил ато эта олганларида бани одамзод не-не сиру синоатлардан хабардор бўлиб, умрлар боғи яна ҳам яшнаб кетур эрдими?..

— Вой опажоним-ей, секинроқ айтарсизму, барча махлуқотлар, паррандаю даррандаларга тил битса, умр деганимиз тамоман ўзгариб, сиру синоатлар ошкораси, фикрат чўққисига чиқиб, оламда на қароқчи-ю, на ёғий, на йиртқичу, на ғазандалар имкон топа олмай, олам тинч-у, осойишта бўлур эрди. Илож қанча, махлуқотлар оламига идрок тилини бандаси ато эта олмас эркан...

...Назирнисо чой билан ичирган асал Маъбудабегимни росмана оёққа турғазиб, қувватини ошириб юборди. Нафас олиб турган жойи торлик этаётганидек, сочларини йиғиштириб, Назирнисонинг шол рўмолини ўради-да, йўлга тушажагини билдирди. Назирнисонинг дили ранжиб, гап бошлади:

— Шошмаслик керак, жоним. Отангизнинг уйига бориб қайтаётганингиз йўқ ахир. Неча юзлаб аҳли-халойиқни ўлимингизга кўниктириб, ҳақ-таолло мўъжизоти боис, қайтадин оламга қайтарилдингиз. Ушбу мўъжизотни Хизматилла оғангиз, завжингизга ётиғи билан тушунтириб завжингиз юзбоши тўра орқалиғ жамоани бохабар этилмаса, не ҳодисотлар рўй бермоғи мумкин эрур.

Маъбудабегимни ушбу лаҳзада кенг борлиққа чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олгиси, «мен тирикман, эй, аҳли ҳалойиқ» дегиси келар, Назирнисонинг гапларини эса қулоқлари эшитмас эди.

— Борайин, — деди Назирнисога даст ўғирилиб.

— Сабр қилинг, енгилтаклик қилманг, қайсарлик ҳам эви билан-да, — деди Назирнисо.

— Йўқ, кетаман, — деди-да, эшик тутқичига қўл узатди.

Асал қувватини ошириб юбордими, деган маънода Назирнисо ҳушёр торттириш учун Маъбудабегимни қўлидан эшик бандини бўшатиб эшикни зарб билан ёпиб қўйди-да, шул мисраларни сўзлай бошлади.

Турфа фалокатдин бўлмасдин пана,
Ўлмак истармусиз қайтадин яна.
Хожага ёлчимас, нюшган париваш,
Сабрдин камолот этгай тантана.

— Мен сизни оқилалар оқиласи деб билур эрдим, наҳотки тангри жонингизни қайтариб бермак эвазига ақлингиз қаймоғини ақлсиз фаришталарга бўлашиб берган бўлса.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Боши 3-бетда).

Маъбудабегим бошидан шол рўмолни даст ечиб, Назирнисонинг оёғи остига ташлайди. Назирнисонинг ҳам ғурури фалакка чирмашиб, вужуди қуйиб ҳаник четида турган кафан либосни олди-да, Маъбудабегимнинг оёғи остига ташлаб: «Токим шундай эркан, қолган либосларни ҳам ечингиз», — деди.

Маъбудабегим эшикни шаҳд билан очди-ю яна зарб билан ичкарига ёпиб, лозиму қўйлакни ҳам ечиб, кафан либосни жисмига чирмаб боғлади-да, сочлари ёйиқ ҳолатда энг қадимги афсонавий Шош гўзалларига ўхшаб, виқор билан сўз қотди:

— Лаҳат ичра сиқилганим ҳам етар, ҳужрангизда қачонгача димиқиб ўтиргаймен, юрагим «тарс» ёрилиб кетай деяпти. Шу ернинг ўзидаёқ яна лаҳат қўйнига кирмоқ истамасмен.

Борадурмен, майли эл,
ҳайрат яқосин ушласин,
Тўзғитиб сочимни ел,
озоридин дил хушласин.
Қоп-кафан йиртиб,
лаҳат хибзини пора айлагоч,
Тарқатиб заққумларин,
тулпор отдек дил кишнасин,
Этма айб, олам жамолин,
борлиққа гултож айласам,
Борлиғим боқийлиғин
ёр от чопиб ҳеш хешласин.

Назирнисо бироз ўксинганнамо ҳолатда жавобга тутинади:

— Ушбу ҳужра аро менинг ҳам азиз умрим ўтиб бормоқда. Аммо бирон марта ҳожамнинг устидан нолиганим йўқ. Жисмим ҳам соғ-саломат, зурёдларим ҳам ақлли-ҳушли, табақа кўзи бирла қарайдурғон ҳиссиётларга ўт тушсин деб эшикни «ланг» очиб юборди. Эшик остида ғингшиб турган оппоққина кучукча Маъбудабегимга ўзини урди. Маъбудабегим Миттижонни даст кўтариб олиб, гўё ибтидоий жамоа вакиласи қиёфасида йўлга тушар экан, ушбу мисраларни хаёлан бита бошлади:

Қайтадин келдим жаҳона,
нурлиғ жаҳоним ассалом,
Чарх недур, ўлмак баҳона билди
бу жоним ассалом.
Ул, Назирнисогаким
ҳеч йўқдир дилимда зарра занг,
Талпиниб оламга боқдим,
фикратда борим ассалом,
Интизорбонугинамга топшириб
эрдим маҳрни,
Нори рўзғор эрур кундош,
ҳамкори норим ассалом,
Шамсиянисо дилимким,
сочим ювиб, айлар ўрим,
Ул гул эрса, мен баҳормен,
кўркам баҳорим ассалом,
Беш кеча-кунлик ҳажрдин,
топдим вафолиғ шевасин,
Кўз тушиб ҳайратга ботманг,
эй шоҳсуворим ассалом,
Ҳажри ишқда куймагил кўп,
эй ҳожаи Маъдангинам,
Ётмагай Маъбудаларким
тупроқ аро жим, ассалом.

Мангуқўрғонга бориладиган йўлдан катта арава йўлга тушиб олган, ғайритабиий либосдаги Маъбудабегимга аравага қовун босиб кетаётган аравакаш чолнинг кўзи тушиб, ҳайратдан ёқа ушлади-да, ўзича тез-тез калима қайтариб, отга қамчи босди. Ногоҳ тушган қамчиндин чўчиб тушган от аравани жон-жаҳди билан тортиб, йўлни чанг

СИРЛИ ҚИЧҚИРИҚ

(Тарихий ҳикоя)

гитиб чопиб кетди. Қовуннинг ярми йўлма-йўлакай аравадан думалаб қолса ҳам, чол жиловни тортмай, калимани такрорлаб, кўринган одамларга аюҳаннос солиб, жар сола бошлади:

— Қиёматингдан ўзинг асрагил, ҳой аҳли ҳалойиқ, ҳушёр бўлинг, кўҳна қабристон йўлагидан инсми, жинсми, ё ажина-арвоҳми чиқиб, бул томонга келадур. Эсимни танибманки, бундай бешарм қиёфанинг шоҳиди эрмасдурмен. Огоҳ бўлинг ҳалойиқ, инс-жиннинг бешарм қиёфасига кўзингиз тушиб, касри-касофатига гирифтору муфтало бўлиб қолманг тағин. Ё парвардигори олам, хом сут эмган бандаларнингга ўзинг раҳм эт! — деб аравакаш яна отга устма-уст қамчин босди. Йўлма-йўлакай чорва молларни боқиб юрган йигитчалару бола-бақра Маъбудабегимга таажжуб билан маҳлиё бўлиб, ўтлоғини ҳам эсдан чиқариб эргашиб келишар, Маъбудабегим уларга гап қотгудек бўлса, чўчинқирашиб ортларига чекинишар ва яна эргашувни давом эттиришар эди. Маъбудабегим Миттижонни маҳкам қучоқлаганича қоматини ғоз тутиб, ўз хонадони томон одимлар экан, аравакашнинг аюҳанносидан огоҳ бўлган, бир неча ўн аҳли деҳқон таажжуб бирла бош қашлаб, йўл четида туришар, аммо бирон таси яқинига кела олмас эдилар.

Оломонни қизиқтираётган бир ҳиссиёт шул эдики, бул инсми, жинс қайга кетаяпти-ю қайси хонадонга кириб борар ва ёким қайда ғойиб бўлиб кетар экан, деган хаёлда эдилар. Оломоннинг ғала-ғовурига қизиқсинган Интизорбону билан Шамсиянисо ҳам улкан дарвоза тирқишидан мўралашар экан, ногоҳ дарвоза томонга келаётган ғайритабиий либосдаги Маъбудабегимга кўзлари тушиб, қўрқинч ичра рўпарадаги Интизорбону истиқомат қиладиган уйга қараб қочишди. Томошаталаб оломон Маъдан юзбошининг қўрғонига кириб бораётган жувонни кузатишар экан, «юзбошининг шўри қурими» деб, буёғи нима бўларкин деган маънода йўл четига тизилишиб, чуғурлай бошладилар.

Маъбудабегим Миттижонни аста ҳовлига қўйиб юбориб, ўзи яшайдиган баланд зинали айвонга кўтарилиб, ўз хонасига кириб кетди. Шамсиябону билан Интизорбону рўпарадаги уйнинг ойнадор даричасидан кузатишиб, дир-дир титрашар, буёғида қандай сир-синоат рўй бераркин деб чурқ этмай ўтиришар эди. Икки маҳрам ўйлаганидек, ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади. Маъбудабегим ўз хонасидан чиққанида дафн этилмасдан илгари қандай кийиниб юрган бўлса, шундай кийиниб олган, кузатиб турган икки маҳрам қўрқинч ҳиссиёти боис ҳушларидан кетиб, йиқилишди. Маъбудабегим рўпарасидаги уйга кириб, даричадан ўтиб бехуш бўлиб ётган икки кундошини кўриб воқиотни идрок этдида, кўзада сув келтириб, иккисининг юзига сепди. Бирин-кетин кўзини очишган икки кундоши бироз тикилиб туришгач, яна ҳушларидан кетадилар. Маъбудабегим яна сув сепди. Иккинчи бор ўзига келган икки кундош учинчи кундошнинг меҳрибончилигидан аста жилмайишиб, ҳушларини йиғиштириб, оёққа турдилар. Маъбудабегим воқеа тафсилотини қисқача сўзлаб бериб, мўъжизотдан хабардор этди. Интизорбону дарвоза тирқишидан кўчада турган қўшни йигитни чақириб, воқеани тушунтирди-да, ҳалойиқни тарқатиб юборишни илтимос қилди. Воқиотдан хабардор бўлган ҳалойиқ ҳайрат билан «во... ажабо, во... ажаб», деб елка қисишиб, ёқа ушлашиб тарқалишди.

Пешиндан сўнг юзбошининг қўрғони йўқловчиларга тўлиб, катта йиғин ҳолатига кирди. Шомдан сўнг йиғин базмга айланиб, юрт тўраларидан тортиб, ҳокимларгача ташриф буюришди. Юзбоши Маъданхон Мангуқўрғон соҳиби Хизматилла чапчанни маҳрами билан чақиртирди. Аммо Назирнисонинг ғурури йўл қўймай, йиғин базмига Хизматилланинг ўзини юборди. Маъданхон эса Хизматилла чапчан-у ҳамда маҳрами номига икки бошдан бош-оёқ сарупо қилиб, бир семиз новвос, бир айғир от, ўн бош қўй бериб ризо этди. Йиғин тун ярмига оққан вақтда ҳам давом этар эди.

Турсун МУҲАММАД.

Табиатнинг мўъжизалари беҳисоб. Биз теграмизда содир бўлаётган ана шундай ҳодисалардан ҳайратланиб яшаймиз. Хусусан, қишда табиат беғубор оқликка бурканади. Бу оқлик бағрида болаларнинг «Қишда қандай мазза!» деган ҳайқириқлари янграйди.

Ва ниҳоят қаҳратон қишнинг қаҳри синиб, дам-бадам ёғадиган қорлар ҳам эриб, бутун борлиқни яшнатиб, рангбаранг мўъжизалар яратиб, фасли баҳор кириб келади.

Миртемур Қодиров олган сурат.

Ибратнома

ОТА МЕҲРИ

Бир одамнинг икки ўғли бор эди. Уларнинг кичиги отасига:

— Ота, мол-мулкингиздан менга тегишли қисмини беринг, — дебди,

Ота бисотини икки ўғлига бўлиб берибди. Бир неча кундан кейин кичик ўғил бор-йўғини йиғиштириб, узоқ мамлакатга кетибди. У ерда исрофгарчилик билан яшаб, мол-дунёсини кўкка совурибди. У мамлакатда оғир қаҳатчилик бошланиб, йигит ҳам муҳтожликка йўлиқибди. Охири бир кишига хизматкор бўлиб ёлланибди. Йигит далада ишлай бошлабди. Бироқ хўжайин берган иш ҳақига қорни тўймас эмиш.

Бир куни у ўзига ўзи дебди: «Отамнинг қанчадан-қанча ёлланма ишчилари тўқ яшаяпти, мен эса бу ерда хор-зор юрсам. Энди отамнинг олдига борай ва унга: «Ота, мен худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизга ўғилликка муносиб эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз қатори қабул қилсангиз бас», дейман».

Йигит отаси олдига равона бўлибди. У ҳали узоқда эканлигида отаси ўғлини кўрибди-ю югурганича бориб, ўғлини қучибди. Ўғли унга:

— Ота, мен худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизга ўғилликка муносиб эмасман, — дебди.

Ота хизматкорларига шундай буюрибди:

— Тез бўлинг, энг нафис тўн келтиринглар, қўлига узук тақиб, оёқларига чориқ кийгазинглар. Қўй сўйинглар, еб-ичайлик, хурсандчилик қилайлик. Чунки менинг бу ўғлим ўлган эди, — тирилди, йўқолган эди — топилди.

Шундай қилиб хурсандчилик қила бошлабдилар. Катта ўғил шу пайт далада экан. Ишдан уйга қайтаётиб қарасаки, ҳаммаёқда ўйин-кулги, хурсандчилик. Хизматкорлардан бирини чақириб:

— Нима гап? — деб сўрабди.

— Укангиз келди, отангиз уни соғ-саломат кўргани учун қўй сўйди, — дебди хизматкор. Шунда катта ўғил жаҳли чиқиб, уйга киргиси келмабди. Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлига уйга киришини ўтиниб сўрабди. Ўғил отасига шундай дебди:

— Мен шунча йилдан буён сизга хизмат қиламан. Измингиздан бирор марта чиққаним йўқ. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим учун сиз менга ҳеч вақо бермадингизку! Энди эса мол-мулкингизни фоҳишаларга сарф қилиб келган шу ўғлингизга қўй сўйибсиз.

Отаси унга шундай жавоб берибди:

— Ўғлим! Сен доимо мен билан биргасан, менинг бутун бойлигим сеники. Бироқ бугун шодланиб, хурсандчилик қилишим керак. Чунки сени бу уканг ўлган эди — тирилди, йўқолган эди — топилди.

ИККИ САВДОГАР

Бир камбағал савдогар сафарга отланибди ва бор мол-мулкини сақлаб туриш учун бой савдогарга топширибди. У сафардан қайтгач, савдогардан буюмларини қайтариб беришни сўрабди. Бой савдогар омонатга ҳиёнат қилиб, уни сотиб юборган экан. Қутулиш учун баҳона ўйлаб топибди: «Буюмларинг фалокатга йўлиқди».

— Нима бўлди?

— Мен буюмларингни ғалла сақланадиган омборхонага қўйгандим. У ерни сичқонлар босиб кетувди, ҳамма темир-терсагингни кемириб ташлабди. Қандай ғажишаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Агар ишонмасанг юр, кўрсатаман.

Бояқиш камбағал бой билан тортишиб ўтирмабди. «Энди нимасини кўраман, сенга ишонаман. Биламан, сичқонлар шунақа темирни кемиради. Саломат бўл», дебдию изига қайтибди. У кўчада кетаётиб бой савдогарнинг ўйнаб юрган ўғлини кўриб қолибди. Болани эркалатиб ва қўлидан етаклаганча уйига олиб келибди.

Эртаси куни бой савдогар камбағал савдогарни кўчада учратиб, ўғли йўқолганини айтиб, зорланибди ва «бирон-бир дарагини эшитмадингми» деб сўрабди. Камбағал савдогар шундай жавоб қайтарибди:

— Эшитганда қандоқ. Кеча олдингдан чиқдиму осмондан лочиннинг ўғлингга ташланиб, кўтариб кетганини кўриб қолдим.

Бой савдогар жаҳли чиқиб, эътироз билдирибди:

— Устимдан кулгани уялмайсанми? Ахир лочиннинг болани кўтариб кетиши ақлга тўғри келадими?

— Йўқ, устингдан кулаётганим йўқ. Ахир сичқонлар юз пуд темир-терсакни еб қўйганда лочиннинг болани кўтариб кетиши нима деган гап? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Бой савдогар шунда ҳамма гапни тушунибди ва шундай дебди:

— Сичқонлар буюмларингни емаган, уларни ўзим сотиб юборувдим, хотиржам, бўл, икки баробар қилиб тўлайман.

— Ундай бўлса, лочин ҳам ўғлингни кўтариб кетмаган, мен ҳам болангни ўзингга қайтараман, — дебди камбағал савдогар.

Иззат АҲМЕДОВ.

Ажойиботлар

ДОРИ ИЧИШ ЭСИНГИЗДАН ЧИҚМАЙДИ

Францияда яратилган бу қурилмани чўнтакка солиб юриш мумкин. «Пилл метор» деб номланган бу қурилманинг ҳажми тўққизу олти ярим сантиметр бўлиб, у ўз вақтида дори ичишни эсга солади. Унинг рақамли экранида соатниқига ўхшаш миллар бор. Ўша миллар керакли вақтда асбобни 60 дақиқа давомида қўнғироқ чалдиради. Шу билан бирга қайси дорини ичиш кераклигини ҳам ўзи таклиф этади. Унда иккита бўлма жойлашган бўлиб, икки хил дори солиш мумкин. Асбоб батарея ёрдамида ишлайди.

БОШ ОҒРИҒИДАН ҚУТУЛАСИЗ

Мюнхен дорилфунуни профессори Райнер Пелканинг яратган қурилмаси нафақат бош оғриғидан, ҳаттоки об-ҳаво ўзгаришидан, суякларингиз зирқирашидан ҳам сизни ҳалос этади. Қурилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб, унинг сирти тилла суви билан сайқалланган. У электромагнит майдонига эга. Шу сабабдан ҳам бош оғриган пайтда «олтин тухум»ни пешонага тутилса, бир зумда оғриқ йўқолади.

ЧАРЧАСАНГИЗ АТИРГУЛ ҲИДЛАНГ

Токионинг «Касима» қурилиш компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган ҳар бир хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб тура оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма вақтга қараб хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартира олади.

Масалан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийраклик бағишлайди, демак одам зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушликда эса улар атиргул ҳидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра атиргул бўйи чарчоқни тарқатади.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ ВА МАҚОЛА

Швейцарияда нашр этиладиган «Ла Суис» газетаси Морзе алифбоси яратилганлигининг 150 йиллигини ўзига хос нишонлади. Газетанинг бош мақоласи фақат тиниш белгилар — нуқта ва тирелар билан босилиб чиқди. Бу бош мақолани қанча одам ўқиб, қанча одам тушунганини айтиш қийин, албатта. Лекин бу улкан кашфиётнинг аҳамиятини асло ерга урмайди. Худди ана шу кашфиёт туфайли 1838 йилда С. Морзе телеграф ёрдамида янги ахборотларни узоқ масофаларга узатиш даврини бошлаб берган эди.

ТУХУМДАГИ КУТУБХОНА

Британиялик заргар Пол Качински 6 минг соат астойдил меҳнат қилиб олтин тухум тайёрлади. Бу антиқа тухумнинг атрофи 20 минг дона қимматбаҳо рангли тошлар билан безатилиб, ичига бир неча жуда кичик китобчалар жойлаштирди. Китобчаларнинг варақлари махсус асбоб ёрдамида варақланиб, ўқиш учун эса махсус лупадан фойдаланилади.

Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

Агар ванна тубидаги тиқин сувни ушлаб туролмаса, унга эски резина қўлқоп ёки бўлмаса ёрилган пуфак бўлагини кийгизинг. Сув оқиши тўхтайди.

***

Агар занжирли ёпқич (молния) кирланса, ёки қийинчилик билан ёпилса, уни эски тиш чўткаси билан тозалаб, эҳтиётлик билан шам суринг.

***

Эшикдаги калит қийинчилик билан бурала, у калитга совун ёки шам суринг.

***

Янги сотиб олинган қаттиқ тиш чўткасини юмшатиш учун уни бир неча соат бир қошиқ туз солинган сувга солиб қўйинг.

***

Агар уйингиздаги меҳмонлар хонада чекишса, шам ёқиб қўйинг: шам алангаси ҳавони бирмунча тозалайди. Шам бир текисда ёниши учун пилик ёнига бир неча дона туз ташлаб қўйинг.

Моҳира КАРИМОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«МИРОБОД» БОЗОРИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Миробод» бозори акционерлик жамияти 1998 йил 11 март соат 10 да туман ҳокимиятининг мажлислар залида жамият аъзоларининг умумий мажлисини ўтказади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Миробод» бозори акционерлик жамиятининг 1997 йил иш якуни ҳақида.
2. Тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви якунларини тасдиқлаш ҳақида.
3. Бошқарув ҳайъати, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига сайлов.
4. Бошқа масалалар.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ 1 ЯНВАРЬ 1998 ЙИЛГА

	Актив	Пассив
Қолдиқ қиймати	853438.0	
Капитал қўйилмалар	6143.0	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	315.0	
Пул маблағлари	2171.1	
Бошқа дебиторлар	6501.0	
Устав капитали		26632.0
Резерв капитали		793104.0
Тақсимланмаган фойда		1158.0
Бошқа кредиторлар		49264.0
ЖАЪМИ:	870158.0	870158.0



«Бешёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҲИССАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Бешёғоч бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҳиссадорларининг навбатдаги 1997 йилги умумий йиғилиши 1998 йил 10 март соат 10.00 да «Бешёғоч» бозорининг маъмурий биносида ўтказилади.

Кузатув кенгаши

«О2»

ҒИЛДИРАК ЎҒРИЛАРИ

Чилонзор туманидаги хусусий корхоналардан бирининг омборхонаси тунда номаълум кимсалар томонидан бузилиб, унинг ичидаги Бразилияда ишлаб чиқарилган 459 дона автомобиль ғилдираклари гумдон қилинади. Хусусий корхона эгаси Чилонзор тумани ИИБ навбатчисига қўнғироқ қилди. Тезкор гуруҳ етиб келиб воқеа юз берган жойни бир пасда ўраб олиб, керакли ишларни бошлаб юборишди. Кўрилган чора-тадбирлар ва жиноят-қидирув бўлими ходимлари саъй-ҳаракатлари натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Ҳар бири 6 минг 500 сўм турувчи барча автомобиль ғилдираклари эгаларига қайтарилди.

ХАЛТАДАГИ ОҒУ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ўз самарасини берди. Сирғали мавзесидаги хонадонлардан бирида яшовчи 67 ёшли фуқаронинг уйидан 5 килограмм 562 грамм қора дори гиёвандлик моддаси топилди.

Умуман пойтахтимиз ички ишлар хизмати томонидан ўтказилиб келинаётган «Қора дори» тадбирлари натижалари самарали бўлмоқда. Чунончи, яқинда Миркомил Миршаропов кўчасида шубҳали шахс жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширилганида Оққўрғон туманида истиқомат қилувчи Г. Сарсенбой тилини тишлаб қолди. Ахир у ҳам 170 грамм қора дори ва 134 грамм гашиш гиёвандлик моддасини елим халтага жойлаб кимларгадир сотгани олиб кетаётган эди-да. Ҳозир ушбу икки ҳодиса юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилган бўлиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

Божхона

ҚИММАТГА ТУШГАН «ТОПҚИРЛИК»

Тошкент аэропортида одатдаги иш мароми ҳукм сурарди: кимдир олис сафар олдидан ҳаяжонда туради, кузатувчи ёр-биродарлар уларга нималарнидир қунт билан уқтиришади. Четроқдаги ўриндиқда ўйчан ўтирган йигит эса ёлғиз эди. Ҳа, Ботир Ҳасанов учун бундай сафарлар деярли одатдаги иш кунига айланган.

Ниҳоят, «Тошкент-Москва» йўналишидаги 667-самолётга чиқиш учун рўйхатдан ўтиш эълон қилинганда кутиш залида ғала-ғовур бошланди. Ҳалиги йигит эса шошилмасдан чипта ва юкларини рўйхатдан ўтказа бошлади. «Юк» дейиш ҳам унчалик тўғри келмайди, негаки, унинг қўлида ихчамгина «дипломат» бор эди, холос. Қоидага биноан, халқаро йўналишларда учаётган йўловчилар зарурий божхона кўригидан ўтишлари шарт. Тағин ҳеч кимда таъқиқланган гиёванд моддалар, декларацияда кўрсатилмаган хорижий валюта ёки қурол йўқмикан ишқилиб? Бундай текширувлар тезкор ва уюшқоқлик билан ўтказилганлиги боис, кўп вақтни олмайди. Бу ҳақда олдиндан огоҳлантирилганлиги сабабли, йўловчилар ҳам эътироз билдирмайдилар: халқаро қоидага амал қилиш керакда!

Ботир Ҳасановнинг ҳам текширув гали келди. Божхона ходимининг хушмуомалалик билан: «Декларация тўғри ёзилганми, чет эл валютаси ёки таъқиқланган товарлар йўқми?» деган саволига у иккиланмасдан ва дадил : «Йўқ», деди. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Ким билсин, нима божхона ходимида шубҳа уйғотдийкин? Қарангга, қатордаги шунча одамлар қолиб, айнан Ботирни қайтадан шахсий текширувга чақиришсая! Албатта, Ҳасанов хотиржам қиёфасини бузмаган ҳолда рози бўлди. Аммо ичида қанчалик титроқ бошланганлиги фақат ўзига аён эди. Ниҳоят, чап пайпоғи ичидан божхона баённомасида кўрсатилмаган бир боғлам долларни суғуриб олишганда унинг титроғи таҳликага айланди. Ўнг пайпоғига ҳам бир даста «кўки»дан яширилган экан. Санаб кўришса, жами олти ярим минг АҚШ доллари! Божхона ходимлари кўп ҳайратланишига улгурмаёқ, яна бир «топилма»га дуч келдилар. Оббо, шоввоз Ботирнинг топқирлигини қаранг-а. Белига ҳам махсус камар ясаб, унга 2,8 миллион Россия рублини жойлаштирган экан. Шунда, кўпни кўрган, унча-мунчага таажжубланмайдиган божхоначилар ҳам ҳайратда қолдилар. Чунки бундай топқир йўловчига ҳали дуч келмаган эдилар-да.

Турган гапки, Москвага учиш Ботирга насиб этмади. Унинг айби ўз бўйнида эканлиги аён. Ноқонуний олиб чиқишга уринган валюта — 6,5 минг АҚШ доллари ва 2,8 миллион Россия рубли давлат фойдасига мусодара этилди. Бунинг устига қоидабузарлиги учун унинг ўзи яна нақ 60 минг сўм жарима тўлаши керак!

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0973. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.